
Маданият маркази замонавий ва кўркем тус олади

Аввал хабар берилганидек, Ўзбекистон тумани Яйпан шаҳрида жойлашган 70-сонли маданият марказини мукаммал таъмирлашга киришилди.

Бугун Фарғона вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари Хабиб Сирожитдинов ва туман ҳокими Шерзоджон Юлдашев мазкур масканда бўлиб, амалга оширилаётган таъмирлаш-ободонлаштириш ишларини кўздан кечирди.

1969 йилда қурилган муассаса биносини намунавий лойиҳа асосида мукаммал таъмирлаб, замонавий қиёфага келтириш, бу ерда фаолият кўрсатувчи ходимлар ва бадий тўгаракларга қатновчи ёшларга қулай шароитлар яратиш тадбирлари жадал давом этмоқда.

2024-09-12 21:55:24